

2022 йил “28” декабрдаги  
РС-73-22-сонли Раёсат қарори  
билан тасдиқланган

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил биринчи ярмига мўлжалланган  
ИШ РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар	Муддати	Масъуллар
<b>1. Умумий масалалар</b>			
1.1	Республика судларининг ҳамда Олий суднинг 2022 йилдаги иш фаолиятини таҳлил қилиб, натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш.	январь	Раис ўринбосарлари, Аппарат раҳбари, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.2	Судларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш соҳасида 2022 йилда амалга оширилган иш фаолияти ҳақида Олий суд Раёсатига ахборот бериш.	январь	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Пленум ва Раёсат котибияти
1.3	Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПК, ИПК, МСИЮтК ва МЖтКга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш.	январь- март	Аппарат раҳбари, Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси, Судлов ҳайъатлари
1.4	Судлов ҳайъатлари томонидан ҳар ойда бир марта республика судлари раислари, судьялари ва ходимлари иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув-семинар машғулотлари ўтказиш.	алоҳида режа асосида	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, И.Муслимов, Ш.Полванов

1.5	Наманган вилояти фуқаролик ишлари бўйича судларининг 2020-2022 йилларда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш.	март	Ҳ.Турахужаев, (Ишчи гуруҳ аъзолари)
1.6	Самарқанд вилояти иқтисодий судларининг 2021-2022 йилларда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш.	март	Ш.Полванов, (Ишчи гуруҳ аъзолари)
1.7	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сирдарё вилоят судларининг кадрлар масалалари бўйича иш юритиш аҳволини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш.	март- июнь	Кадрлар бошқармаси
1.8	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судлар фаолиятида жорий этилган ахборот тизимлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	алоҳида дастур асосида	АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.9	Судларда жорий этилган ахборот тизимларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоялаш мақсадида киберхавфсизликни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	алоҳида режа асосида	АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.10	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти судлари томонидан 2021-2022 йилларда давлат божи ставкалари қўлланилиши аҳволини ўрганиш, натижаси ҳақида Олий суд раисига ахборот киритиш.	май	Ҳ.Турахужаев, Аппарат раҳбари, Судлов ҳайъатлари, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.11	Ижро этилмай қолаётган суд қарорларини, шу жумладан ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати бекор қилинган ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда тугатилган ижро ҳужжатларини ўрганиш.	май	И.Муслимов, Судлов ҳайъатлари, Ташкилий-назорат бошқармаси

1.12	Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилояти маъмурий судларининг 2022 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш.	март-май	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов хайъати
1.13	2021-2023 йиллар учун режалаштирилган манзилли “Дастур” асосида суд тизими объектларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари натижалари ва ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ҳамда мақсадли ўзлаштирилишини объектларга чиқиб ўрганиш, натижаси бўйича Олий суд раисига ахборот киритиш.	ҳар чорак якуни бўйича кейинги ой 5 санасига қадар	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.14	Олий суд ходимларининг меҳнат ва ижро интизомига риоя этилиши аҳволи юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Олий суд раисига киритиш.	июнь	Аппарат раҳбари, Кадрлар бошқармаси, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.15	Судьялар олий мактаби билан ҳамкорликда судья ва суд ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш.	алоҳида режа асосида	Кадрлар бошқармаси, Судьялар олий малака хайъати котибияти
<b>2. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар</b>			
2.1	Бутунжаҳон банкининг Ўзбекистондаги филиали билан суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб бориш.	февраль	Ш.Полванов, Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.2	Россия Федерациясининг суд-ҳуқуқ соҳасидаги илғор тажрибасини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суд вакилларида иборат ишчи гуруҳни хизмат сафарига юбориш.	февраль – март	Р.Махмудова, Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.3	АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) лойиҳаси билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган тадбирларни ташкил этиш.	февраль- июнь	Р.Махмудова, Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.4	Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Марказий Осиё мамлакатларида ҳуқуқий давлатчилик йўлида ҳамкорлик” қўшма дастури доирасида маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган тадбирларни ташкил этиш.	февраль- июнь	Р.Махмудова, Халқаро-ҳуқуқий бўлим

### 3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар

<b>3.1</b>	Маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича судларда 2022 йил давомида ер билан боғлиқ қўрилган ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	февраль- март	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, Ш.Полванов, Судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти
<b>3.2</b>	2021-2022 йилларда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш (ЖКнинг 244 <sup>1</sup> -моддаси) ҳамда диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш (244 <sup>3</sup> -моддаси) билан боғлиқ қўрилган жиноят ишларини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	февраль	И.Муслимов, Судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
<b>3.3</b>	Ҳимоячига давлат бюджети ҳисобидан ҳақ тўлаш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	февраль	И.Муслимов, Судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
<b>3.4</b>	Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер бериш тартибини бузиш, ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш, ноқонуний ер сотиш билан боғлиқ жиноят ишларини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	апрель	И.Муслимов, Судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
<b>3.5</b>	Фуқаролик ишлари бўйича судларда 2021-2022 йиллар давомида меҳнат низоларига оид ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	апрель	Ҳ.Турахужаев, Судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти

3.6	Иқтисодий судларда суд ҳужжатининг қайтарма ижроси билан боғлиқ аризаларнинг кўрилиши бўйича суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	май	Ш.Полванов, Судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
3.7	2022 йил давомида кредит шартномаси бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	июнь	Ҳ.Турахужаев, Судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
<b>4. Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар</b>			
4.1	Янги таҳрирдаги “Меҳнат кодекси”нинг амалиётга тадбиқ этилиши билан “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги Пленум қарорига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.	январь- июнь	Ҳ.Турахужаев, Судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
4.2	Судларда ер билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатлари нормаларини тўғри қўллаш бўйича қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	апрель- май	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, Ш.Полванов, Судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти
4.3	Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги қарорнинг янги таҳрирдаги лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	май- июнь	И.Муслимов, Ҳ.Турахужаев, Судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти
4.4	Интеллектуал мулк соҳасига доир ишларни кўриш бўйича суд амалиёти ҳақидаги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	май	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, Ш.Полванов, Судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти

4.5	Реабилитация этилган шахсларга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартиби бўйича суд амалиёти тўғрисидаги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	март-апрель	И.Муслимов, Ҳ.Турахужаев, Судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти
-----	---	-------------	---

*Изоҳ: зарурат бўлганда иш режасига қўшимча тадбирлар киритилиши мумкин.*